

УЎК (УДК, UDC): 159.9
DOI: 10.36078/1577693077

НУТҚИЙ МУЛОҚОТДА ПАРАЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ЎРНИ



Ботиржон Равшанович АХМЕДОВ
Докторант PhD
Андижон давлат университети
Андижон, Ўзбекистон
brahmedov1986@mail.ru

Аннотация

Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади антропоцентрик тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бўлган паралингвистиканинг ўрганиш объекти, паралингвистик воситалар ва уларнинг нутқий мулоқотдаги аҳамиятини ёритишдан иборат.

Мақолада паралингвистик воситалар нутқ сегментлари таркибига кирмайдиган, уни кузатиб борадиган воситалар эканлиги, бу жиҳатдан уларнинг иккига бўлиниши, баъзилари шу сегментлар устига қўйиладиган воситалар (нутқ темпи, мелодикаси ва бошқалар) бўлса, баъзилари, хусусан, имо-ишора ва мимикалар тамоман бошқа ифода йўсинида бориши ҳақида фикр юритилган.

Муаллиф турли новербал воситаларнинг нутқий мулоқотдаги иштироки, аввало, нутқий вазиятга, суҳбат кўламига, вербал ифоданинг мазмунига, мавзусига мувофиқ келиши, мос бўлиши шарт эканлигини, яъни маълум шахсга хос, бироқ маъно англатмайдиган, коммуникация жараёнида беихтиёр равишда қўлланадиган кинетик ҳаракатларни новербал воситалардан фарқлаш зарур эканлигини таъкидлаб, нутқий мулоқотда самарадоликка эришиш учун адресант ва адресат ўртасида тил, яъни лисоний (вербал) умумийликдан ташқари мулоқотнинг нолисоний (новербал) воситаларидан фойдаланишда ҳам умумийлик бўлиши лозим эканлигини айтиб ўтади. Чунки нутқ жараёни, диалогик вазият ва сўзлашувчиларнинг психологик ҳолати фикр ифодалашда имо-ишорадан, товуш ўзгаришларидан, тана аъзолари ҳаракатларидан фойдаланишни тақозо этади. Бу воситалар эса нутқий мулоқотни амалга оширишда ўзига хос ўрин эгаллаган омиллардан саналади. Новербал воситалар вербал восита билан боғлиқ ҳолда текширилгани учун ҳам тилшуносликнинг ўрганиш объекти саналади.

Калит сўзлар: антропоцентрик парадигма; паралингвистика; нутқий мулоқот; вербал воситалар; новербал воситалар; адресант; адресат.

МЕСТО ПАРАЛИНГВИСТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ В РЕЧЕВОМ ОБЩЕНИИ

Ботиржон Равшанович АХМЕДОВ
Докторант PhD
Андижанского государственного университета
Андижан, Узбекистан
brahmedov1986@mail.ru

Аннотация

Основная цель данного исследования сосредоточена в выявлении и изучении паралингвистических средств, являющихся одними из перспективных направлений в современной антропоцентрической лингвистике, а также раскрытие их значений в речевом общении.

В статье указывается, что паралингвистические средства не входят в структуру речевых сегментов, они являются лишь средствами, “наблюдающими” извне за речевым процессом. В этом отношении они делятся на две части: некоторые являются сверхсегментными средствами (темп речи и ее мелодика), а другие, в частности жестика и мимика (пантомимика), могут выражать абсолютно иные речевые отношения.

Автор не только останавливается на различных составляющих невербальных средств речевого общения, таких как речевая ситуация, пространство общения, содержание и смысл вербального выражения, которые в свою очередь обязаны быть подчинены главной теме, но также отмечает и средства, не поясняющие смысла, непреднамеренно используемые в процессе коммуникации: кинетические действия, которые следует отличать от невербальных составляющих речевого общения. Автор отмечает, что, кроме общности между лингвистической (вербальной) средой и языком общения в системе “адресант-адресат”, не менее значимы и нелингвистические (невербальные) средства, верное использование которых обеспечивает эффективность речевого общения, они должны быть соотнесены меж собою.

Речевой процесс обязывает говорящих, исходя из их психологического состояния и диалогической ситуации, использовать в выражении своей мысли действия (жесты, движения), изменения в звуковой инструментровке, движения тела (пантомимику). Вышеприведенные средства, занимая своеобразное место в речевой системе, считаются факторами реализации речевого общения. Поэтому рассмотрение невербальных средств общения в их связи с вербальными считается объектом изучения языкознания.

Ключевые слова: антропоцентрическая парадигма; паралингвистика; речевое общение; вербальные средства; невербальные средства; адресант; адресат

THE PLACE OF PARALINGUISTIC MEANS IN SPEECH COMMUNICATION

Botirjon Ravshanovich AKHMEDOV

Doctoral student PhD
Andijan State University
Andijan, Uzbekistan
brahmedov1986@mail.ru

Abstract

The main purpose of this study is to identify and study paralinguistic tools, which are one of the promising areas in modern anthropocentric linguistics, as well as the disclosure of their meanings in speech communication.

The article points out that paralinguistic means are not included in the structure of speech segments, they are only means “observing” the speech process from the outside. In this respect, they are divided into two parts: some are super-segmental means (the tempo of speech and its melody), and others, in particular gestures and facial expressions (pantomimic), can express completely different speech relations.

The author not only dwells on the various components of nonverbal means of speech communication, such as the speech situation, the space of communication, the content and meaning of verbal expression, which in turn must be subordinated to the main theme, but also

notes the means that do not explain the meaning, unintentionally used in the process of communication: kinetic actions, which should be distinguished from the nonverbal components of speech communication. The author notes that in addition to the commonality between the linguistic (verbal) environment and the language of communication in the “addressee-addressee” system, non-linguistic (non-verbal) means are no less important, the correct use of which ensures the effectiveness of speech communication, they must be correlated with each other.

The speech process requires talking on the basis of their psychological States, and dialogical situations, to use the expression of his thoughts, actions (gestures, movements), changes in the sound instrumentation of the movement of the body (the pantomime). The above means, occupying a peculiar place in the speech system, are considered factors in the implementation of speech communication. Therefore, the consideration of nonverbal means of communication in their connection with verbal is considered the object of study of linguistics.

Keywords: anthropocentric paradigm; paralinguistic; speech communication; verbal means; nonverbal means; addressee.

Кейинги йиллари ўзбек тилшунослигига структур тилшуносликнинг кириб келиши ўзбек тилининг ички тузилиш бирликларини тадқиқ қилишга катта имконият яратиб берди. Ф. де Соссюрнинг тил-нутқ дихотомияси ҳақидаги қараш асосида ўзбек тилининг барча сатҳларида имконият, моҳият сифатидаги тил бирликлари билан уларнинг нутқий жараёнда бевосита моддийлашуви ўртасидаги муносабатга жиддий эътибор берилди бошлади. Истиқлолга қадар тил-нутқ зидланишига бефарқ қараган, структур тилшуносликнинг бош моҳияти тил бирликлари билан нутқ бирликларини фарқлаш эканлигига нописандлик билан ёндашган олимлар ҳам мустақиллик шароитида бу фарқланишни эътироф этдилар. Айни пайтда структур тилшунослик тилни трансцендент ҳодисалардан ҳоли равишда имманент ўрганишга асосий эътибор қаратганлиги туфайли лисоний фаолиятнинг субъектлари бўлган сўзловчи ва тингловчи шахс тадқиқотчилар эътиборидан четда қолди. Ваҳоланки, ҳеч бир тилни “тил эгаси”дан ажратган ҳолда тўғри ва тўлиқ ўрганиб бўлмайди. Чунки ҳар бир нутқий актда сўзловчи шахснинг изи сезилиб туради. Структур тилшуносликнинг ана шу чекланган томонини бартараф қилиш учун ҳозирги кунда антрополингвистика ривожлана бошлади (6, 40).

Бугунги кунда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган дунё тилшунослигининг лингвопрагматика, лингвокультурология, когнитив тилшунослик, психоллингвистика, этнолингвистика, нейролингвистика, прагматлингвистика каби йўналишларида ҳам шахс омили тадқиқот объектининг марказини ташкил этади. Мазкур соҳаларнинг юзага келиши лисоний фаолиятни унинг соҳиби бўлган инсон билан узвийликда тадқиқ этиш ҳаракатлари билан боғлиқдир. Антропоцентрик парадигмада инсон асосий ўринга чиқарилади, тил эса инсон шахсини таркиб топтирувчи бош унсур

ҳисобланади (11, 5). Антропоцентрик тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бўлган лингвокультурология ва лингвоўлкашуносликнинг таркибий қисми паралингвистикадир (5, 213). Паралингвистика нутқ алоқасини тўлдириб, изоҳлаб келувчи, ахборот узатувчи, фикр ифодалашда ёрдамчи восита бўлувчи тилшунослик соҳасидир (8, 4).

Инсон нутқи ўзига хос мураккаб ҳодиса бўлгани, унга хос жиҳатларни ёзувда аниқ кўрсатиш имконияти мавжуд бўлмагани туфайли нутқни мукамал текшириш зарурияти туғилади. Шунинг учун тилшуносликда анъанавий лингвистик тадқиқотларга айланиб қолган микролингвистика, яъни нутқнинг ички томони — сегментланадиган бирликлар — фонема, морфема, сўз, сўз бирикмаси, гап ва унинг ички тузилишларини текшириш билан бир қаторда унинг ташқи плани, хусусан, овознинг турли хил интонацион модуляцияси, нутқ темпи, товуш бўёғи, турли хил имо-ишоралар, мимикалар, суҳбатдошнинг манералари тилшунослар эътиборини тортмоқда (2).

Инсон фикр ифодалашда тилдан фойдаланар экан, маълум ахборотни тингловчига етказиш жараёнида тилга ёндош бўлган ёрдамчи (новербал) воситалардан фойдаланади (5, 213). Паралингвистик воситалар ҳар бир кишилик жамиятида коммуникацияда табиий равишда нутқни кузатиб борувчи ва тўлдириб келувчи иккиламчи восита бўлган. Паралингвистика нутқий мулоқот билан бирга фикр, хабар, мақсадни ифодалашда қатнашувчи имо-ишора, оҳанг, мимика, гавда ҳаракатлари каби воситаларни ўрганадиган соҳа ҳисобланади. Паралингвистик воситалар шароитга қараб нутқни маълум меъёрга келтириш, хусусан, ихчамлаштириш, адресантнинг мақсадини аниқ ифодалаш вазифасини бажаради (2, 105).

Бирор маънони аниқроқ очиш, мақсадни ифодалаш вақтида кўпинча айтилиши лозим бўлмаган “ортиқча” тил бирликлари учрайдики, мана шу тил бирликларининг қисқариши эвазига нутқий мулоқотда шу контекст учун уларга мос, тўғри келадиган, айнан бир хил маъно англатадиган экстралингвистик воситалар киритилиши лозим бўлади. Коммуникацияга тегишли зарур талаб натижасида нутқий ифодалар ортиқчалигини камайтиришни шу даражага олиб бориш мукинки, бунда мулоқотни мана шу воситаларсиз давом эттиришнинг иложи бўлмай қолади, ана шу шароитда экстралингвистик воситалар тил бирликларига қараганда бошқачароқ йўналишда бу ифодаларнинг ўрнини тўлдиради (2, 105). Паралингвистик воситалар вербал нутқий одат учун шарт бўлмаган, услубий жиҳатдан ғализ туюлган тил бирликларини силликлантиради, яъни зарур имо-ишоралар ёрдамида нутқий ифода меъёрига келади. Бундай ҳолда аниқ нутқий

мулоқотда иштирок этаётган вербал нутқий бўлак (акт) — сўз, сўз бирикмаси, жумла, баъзан гап мана шу вазиятда алмаштирилиши мумкин бўлган имо-ишоралар билан бир хиллашади.

Паралингвистик воситаларнинг келиб чиқиши ҳақида тилшунос олимлар томонидан турлича қарашлар илгари сурилган. Хусусан, Л. С. Виготский нутқ санъатини эгаллашнинг бошланғич босқичида имо-ишора ва тилнинг мураккаб аралашиб кетиши ибтидоий одамларда имо-ишораларни тасвирловчи ва ифодаловчи жуда кўп сўзларнинг мавжудлиги билан изоҳлайди. Ибтидоий одамнинг тили, аслини олганда, икки хил тилдир: биринчи томондан, сўз тили, иккинчи томондан, имо-ишора тили. Ибтидоий одамлар тили предмет образларини ифодалайди, бу образларни ўз кўзи ва қулоғи билан қандай тасаввур этса, шундай ифодалаганлар. Ҳар бир жумла мураккаб шаклда бўлиб, унда имо-ишора, товушлар бирлашган (1, 93–95).

Аммо мазкур фикрлардан коммуникацияда новербал воситалар вербал воситаларга нисбатан олдинроқ қўлланилган, деб бўлмайди. Новербал воситалар ҳамма вақт товуш тилига эга бўлган кишилар учун иккинчи даражали вазифа бажаради. Бу воситалар кўрсатиш, экспрессив характерда бўлиши мумкин, аммо ўзича тушунчаларни номлай ва ифодалай олмайди. Фақат шундай функцияга эга бўлган сўз тилини кузатиб боради (7, 367). Ҳақиқатан ҳам, тарих товуш тилига эга бўлмаган бирорта ҳам кишилик жамиятининг, ҳатто энг қолоқ кишилик жамиятининг бўлганини билмайди. Товуш тили инсоният тарихида кишиларнинг ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиқишига, жамият бўлиб бирлашишига, ўз тафаккурини такомиллаштиришига, ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил қилишига, табиат кучлари билан мувафакқиятли кураш олиб боришга ва шу тариқа ҳозирги замон тараққиёт даражасига етишига ёрдам берган кучлардан биридир. Новербал воситалар эса доимо нутқ билан биргаликда қўлланиб, унга ёрдам берувчи иккинчи даражали восита бўлиб келган. Чунки фикр ўзининг муайян моддий (қиёфасига) асосига эга бўлиши керак. Ана шу моддий асос (қиёфа) нутқдир. Нутқ фақат фикр ифодаловчи воситагина эмас, балки фикрни шакллантирувчи восита ҳамдир (5, 218).

Мулоқот кўп ҳолларда вербал, яъни сўз, лисоний воситалар орқали ва новербал, сўзсиз — новербал (имо-ишора, ҳар хил белги, нишона, рамз, символлар) орқали ахборот бериш билан боғлиқ бўлиб, бир-бирига таъсирига кўра вербал ва новербал мулоқот сифатида тасниф қилинади.

Нутқий мулоқот деганда мулоқот жараёнида лисоний вербал ва новербал воситаларнинг ҳамкорликда ишлатилиши тушунилади. Бу нутқий

мулоқотнинг биринчи ўзига хослигидир (9, 22). Масалан, “Ассалому алайкум” лисоний воситаси қуйидаги кинетик воситалар: икки қўлни кўксига қўйиш, бошни қуйи солиш, қоматини сал эгиш кабилар билан ҳамкорликда воқеланади. Шундай қилиб, нутқий мулоқотни оддий нутқдан — лисоний имкониятларнинг муайян моддий шаклда воқеланишидан — фарқловчи муҳим омил сифатида муракаблигини ва унинг вербал ва новербал воситаларнинг ўзаро уйғунлашувидан иборат бўлган бутунлик эканлигини кўрсатиш мумкин (10, 42).

Нутқий мулоқотда новербал воситалар турли эҳтиёжлар сабабли юзага чиқади. Бу хусусида олимлар томонидан ҳар хил фикрлар баён қилинган (8, 40–42). Хусусан, Л. А. Капанидзе ва В. В. Красильникова новербал воситаларни икки гуруҳга бўладилар: 1) белги ифодаловчи ва 2) белги ифодаламайдиган новербал воситалар. Биринчи гуруҳга кирувчи новербал воситалар объектив борликдаги нарса, ходиса, белги, ҳаракат, ҳолат кабиларни бевосита билдириш учун ишлатилиб, уларга кўрсатувчи, тасвирловчи ва рамзий новербал воситалар киритилади. Иккинчи гуруҳга эмоционал-экспрессив ва ритмик новербал воситалар киритилади ва улар янги ахборот бериш учун ишлатилмай, мавжуд белгининг мазмунини тўлдириб келиш мақсадида қўлланади.

М. И. Горелов таснифида ҳам Л. А. Капанидзе ва В. В. Красильникова таснифига ўхшаш ҳолатларни кузатиш мумкин. Масалан, М. И. Горелов нутқий мулоқот новербал компонентларининг олти хил вазифа бажаришини таъкидлаб, улар нутқий мулоқот жараёнида беш ўринда вербал стимул ёки реакциянинг ўрнини тўлиқ алмаштириш вазифасини бажаришини айтади. Бу эса юқоридаги таснифдаги (Л.А.Капанидзе, В. В. Красильникова таснифи) биринчи гуруҳга кирувчи новербал воситаларни эслатади. Олтинчи ҳолатда эмоционал вазифа бажаришини таъкидлайди, бу Л. А. Капанидзе ва В. В. Красильникова таснифидаги иккинчи гуруҳ новербал воситалар билан ҳамохангдир.

Р. П. Волос семантик-грамматик маъносига кўра новербал воситаларни тўққизта гуруҳга ажратади ва тасниф алоқа-аралашувдаги новербал воситаларнинг коммуникатив, семантик ва грамматик хусусиятлари асосида аралаш ҳолда берилади.

В. П. Шубина новербал воситаларни “экспрессив ва рамзий” тарзда иккига бўлади. Лекин рамзий новербал воситалар, этикет формалари ва урф-одат билан боғлиқ ҳолатларни бир гуруҳга киритадики, бу нутқий мулоқотдаги шундай новербал воситаларнинг хусусиятига тўғри келмайди.

Т. М. Николаева новербал воситаларни уларнинг алоқа-аралашувдаги вазифасига ва хусусиятига кўра беш гуруҳга бўлади: 1) нутқни алмаштирувчи; 2) нутқни кузатиб борувчи; 3) рамзий-шартли; 4) экспрессив ва 5) тасвирий. Ушбу таснифдаги биринчи ва иккинчи гуруҳ новербал воситаларнинг нутқий мулоқотдаги вазифасини, нутқий мулоқотга муносабатини билдирса, 3-, 5-гуруҳ новербал воситаларнинг хусусиятлари асосида ажратилган.

Г. В. Колшанский нутқий мулоқотда паралингвистик воситалар икки хил вазифа бажаришини таъкидлайди: 1) мулоқот пайтида улар нутқни меъёрга солади, яъни нутқни тўлдириш мақсадида ишлатилади; 2) новербал воситалар тил бирликлари ўрнида ишлатилиб, уларни компенсация қилади (3, 21).

Профессор А. Нурмонов новербал воситаларнинг нутқий мулоқотда иштироки юзасидан қуйидагича фикрларни баён қилади: “1) бундай элементлар бевосита коммуникация каналининг функционаллашишига оид бўлиб, қаршилиқ қанча катта бўлса, паралингвистик воситалар (жумладан, имо-ишоралар) иштироки шунча кўп бўлади. Бу қаршилиқнинг ўзи икки хил: ички ва ташқи омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, коммуникация очикликда юз бериб, суҳбатдошларнинг масофаси узоқ бўлса ёки масофа яқин бўлиб, кучли шовқин суҳбатга халақит берса, қўшимча новербал воситаларга — имо-ишора ва мимикаларга эҳтиёж кучаяди. Ички сабаблари эса сўзловчи ва тингловчининг субъектив ҳолатлари билан боғлиқдир. Хусусан, адресат яхши эшитмаслиги мумкин. Бундай вақтда ҳам имо-ишоралар ёрдамга келади; 2) имо-ишораларнинг қўлланилиши нутқ услублари билан ҳам боғлиқдир. Тантанали нутқ услубида имо-ишораларнинг нутқни кузатиб бориши нутқ таъсирчанлигини таъминлайди. Нутқ жараёнида вербал ва новербал воситаларнинг бир-бирига ўринли ва изчил боғланиши нотикнинг юксак маҳорат белгиси ҳисобланади; 3) нутқ вазияти билан боғлиқ. Адресант адресат билан бўлган фикрларини ёнидаги шерикларига сездирмаслик учун кинетик воситалардан фойдаланиш зарурати туғилади; 4) коммуникация очик бўшлиқда содир бўлса ва адресант билан адресат оралиғидаги масофа жуда узоқ бўлиб, товуш етказиш имконияти қийинлашиши натижасида ҳам имо-ишоралардан фойдаланишга тўғри келади” (5, 228).

Доцент М. Саидхонов ўзбекларда ишлатилувчи новербал воситаларни икки гуруҳга: 1) новербал воситаларнинг коммуникатив ва соматик хусусиятларига кўра ҳамда 2) новербал воситаларнинг ишлатилишига кўра ажратади. Баъзи ҳолларда новербал воситаларсиз фикрлар яланғоч, мантикий жиҳатдан тушунарсиз, психологик жиҳатдан нотўғри бўлиб қолишини

таъкидлаб, улар: 1) алоқа-аралашувда иштирок этаётган томонларнинг алоқа тиллари бир-бирларига тушунарсиз бўлса; 2) алоқа-аралашув жараёнининг юзага чиқиши учун тўқинлик ҳолати бўлганда; 3) алоқа-аралашувнинг бевосита иштирокчилари ўзаро фикр алмашиш жараёнида фикрни бошқаларга сездирмаслик учун; 4) алоқа-аралашувда қатнашаётган томонлардан бирининг ўз фикрини нутқий баён қилишга имконияти (бетоблиги, гапириш имконияти йўқлиги, суҳбатдошини менсимаслиги ва бошқа ҳолатлар) бўлмаслиги; 5) нутқнинг ишонарли, таъсирчан, бўёқдор бўлишини таъминлашда ишлатилиши мумкинлигини айтиб ўтади (8).

Юқорида келтирилган фикрлардан кўринадики, новербал воситаларнинг нутқ таркибидаги вазифаси бир хил эмас. Баъзилари нутқ билан бирга ишлатилиб, унинг экспрессив стилистик оттенкасини кучайтириш учун хизмат қилса, баъзилари иқтисодга учраган нутқ бирликларидан айримларини компенсация қилиш учун ишлатилади. Яна бир гуруҳи эса ўзининг кузатиб бориши лозим бўлган вербал асосидан тамоман узилади ва шу вазиятда тўла вербал восита ўрнини эгаллайди.

Кузатув натижларидан маълум бўладики, паралингвистик воситалар нутқ сегментлари таркибига кирмай, уни кузатиб борадиган воситалардир. Бу жиҳатдан у иккига бўлинади. Уларнинг баъзилари шу сегментлар устига қўйиладиган воситалар (нутқ темпи, мелодикаси ва бошқалар)дир. Шунинг учун улар суперсегмент восита бўлса, баъзилари, хусусан, имо-ишора ва мимикалар тамоман бошқа ифода йўсинида боради. Бир ўринда сегментланадиган ва сегмент устидаги (суперсегмент) воситалар талаффуз қилинса, иккинчи ўринда имо-ишора ва мимикалар уларни кузатиб боради. Бу жиҳатдан кинетик воситалар суперсегмент воситалардан ҳам фарқланади. Турли новербал воситаларнинг нутқий мулоқотдаги иштироки шунчаки бўлмай, аввало, нутқий вазиятга, суҳбат кўламига, вербал ифоданинг мазмунига, мавзусига мувофиқ келиши, мос бўлиши шарт. Яъни муайян шахсга хос, бироқ маъно англатмайдиган, коммуникация жараёнида беихтиёр қўлланадиган кинетик ҳаракатларни новербал воситалардан фарқлаш зарур.

Агар тилдаги системалиликни новербал воситаларга қиёс қилсак, новербал воситалар ҳеч қачон системани ташкил этолмайди (4, 71). Лекин нутқий мулоқотда самарадоликка эришиш учун адресант ва адресат ўртасида тил, яъни лисоний (вербал) умумийликдан ташқари мулоқотнинг нолисоний (новербал) воситаларидан фойдаланишида ҳам умумийлик бўлиши лозим (9, 29). Шунинг учун ҳам фикр ифодалашда вербал воситага ёрдамчи равишда турли қўшимча новербал воситалар нутқий мулоқотни амалга оширишда ўзига

хос ўрин эгалловчи факторлардан саналади. Чунки нутқ жараёни, диалогик вазият ва сўзлашувчиларнинг психологик ҳолати фикр ифодалашда имо-ишорадан, товуш ўзгаришларидан, тана аъзолари ҳаракатларидан фойдаланишни тақозо этади. Новербал воситалар вербал восита билан боғлиқ ҳолда текширилгани учун ҳам бевосита тилшуносликнинг ўрганиш объекти саналади.

Бизнингча, новербал воситалар нутқий мулоқотда нутқий ифоданинг ўрнида қўлланиши, вербал ифодани кузатиб бориши ва вербал восита билан бирга қўлланиши мумкин. Улар нутқий мулоқотнинг табиийлигини таъминловчи воситалар бўлиб, унинг мазмуни реал нутқий вазиятда ойдинлашади ва нутқий мулоқотда қуйидаги ҳолатларда ишлатилади: 1) адресант ва адресатларнинг алоқа тили бир-бирига тушунарсиз бўлганда; 2) нутқий мулоқотнинг юзага чиқиши учун тўсқинлик бўлганда; 3) адресант ва адресат ўз фикрларини бошқалардан яширин ифодалаганларида; 4) коммуникантлардан бирининг ҳолати талаб қилганда; 5) нутқнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, паралингвистик воситалар миллий хусусиятларни ўзида гавдалантиради, урф-одатлар, ритуаллар, адабга дахлдор хатти-ҳаракатлар билан алоқадор бўлади ва нутқий мулоқотнинг ажралмас узви сифатида бевосита коммуникацияда иштирок этиб, ўзига хос прагматик мазмун ифода этади. Шунинг учун ҳам паралингвистик воситаларни тилнинг бир унсури сифатида тадқиқот объекти марказига тортиш бугунги ўзбек тилшунослиги олдида турган муҳим масалалардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Выготский Л. С., Лурия А. Р. Этюды по истории поведения. — М., 1993. — 224 с.
2. Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари. Фил.фан.ном.диссертацияси. — Самарқанд, 1993. — 140 б.
3. Колшанский Г.В. Паралингвистика. — М.: Наука, 1974. — 79 с.
4. Николаева Г. М., Успенский Б. А. Языкознание и паралингвистика // Лингвистические исследования по общей и славянской типологии. — М., 1966.
5. Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдлик. — Т.: Академнашр, 2012. — 1 жилд. — 416 б.
6. Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдлик. — Т.: Академнашр, 2012. — 3 жилд. — 376 б.
7. Реформатский А.А. Введение в языкознание. — М.: 1960. — 432 с.
8. Саидхонов М. Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар. — Т.: Фан. 2008. — 84 б.

9. Сафаров Ш., Тоирова Г. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари. — Самарқанд, 2007. — 39 б.
10. Тоирова Г. Ўзбек нутқий мулоқотида системавийлик ва информативлик. Фил.фан.фалсафа доктори (PhD). — Тошкент, 2017. — 157 б.
11. Худойберганаева Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. — Тошкент: Турон замин зиё, 2015. — 44 б.

REFERENCES

1. Vygotskij L.S., Lurija A. R. *Jetjudy po istorii povedenija* (Etudes on the history of behavior), Moscow, 1993, 224 p.
2. Iskandarova Sh. *Uzbek nutk odatining mulokot shakllari*, candidate's thesis. Samarkand. 1993. 140 p.
3. Kolshanskij G. V., *Paralingvistika* (Paralingvistics), Moscow: Nauka, 1974. 79 p.
4. Nikolaeva G. M., *Lingvisticheskie issledovaniya po obshhej i slavjanskoj tipologii* (Linguistic research on General and Slavic typology), Moscow, 1966.
5. Nurmonov A. *Tanlangan asarlar* (Selected works), Tashkent: Akademnashr, 2012, Vol. 1, 416 p.
6. Nurmonov A. *Tanlangan asarlar* (Selected works), Tashkent: Akademnashr, 2012, Vol. 3, 376 p.
7. Reformatskij A. A. *Vvedenie v jazykoznanie* (Introduction to linguistics), Moscow, 1960. 432 p.
8. Saidhonov M. *Aloka-aralashuv va imo-ishoralar* (Communication-interference and gestures), Tashkent: Science, 2008, 84 p.
9. Safarov Sh., Toirova G., *Nutkning jetnosociopragmatik taxlili asoslari* (Basics of ethnosociopragmatic analysis of speech), Samarkand, 2007, 39 p.
10. Toirova G. *Uzbek nutkij mulokotida sistemavijlik va informativlik*. Doctor of philosophy (PhD). Toshkent, 2017, 157 p.
11. Hudojberganova D. *Lingvokulturologiya terminlarining kiskacha izoxli lugati* (A brief Explanatory Dictionary of the terms linguoculturology), Toshkent: Turon zamin zijo, 2015. 44